O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

# 8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 47 (403)
2004 йил
7 декабр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

**Ўзбекистон халқи:**

**инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,**

**ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,**

**ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,**

**демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,**

**халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,**

**республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,**

**инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,**

**фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,**

**ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ МУҚАДДИМАСИ

## БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

***Конституция инсоният тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. Давлат тузилиши, ҳокимият идоралари фаолиятини тартибга солишни назарда тутган дастлабки конституциялардан бугунги кундаги конституциялар тузилиши, ғояси, мақсад-мазмуни билан фарқ қилади, албатта.***




Ҳар бир қабул қилинаётган конституциялар жаҳон тажрибасини ўрганиш, тарихий тажриба сабоқларидан тўғри хулоса чиқариш натижасида такомиллашиб борар экан, бунда албатта, ҳар бир мамлакатнинг ҳиссаси бор.

Шунинг учун ҳам Конституциянинг такомиллашиб бориши бир томондан, умумжаҳон тажрибасини эътиборга олиш, иккинчи томондан эса ҳар бир мамлакатда конституцияга миллий, тарихий хусусиятларни сингдириш орқали амалга ошмоқда.

Мамлакатимиз Конституциясида ҳам жаҳон конституциявий ривожланишнинг бой тажрибаси ва халқимиз тарихи, маънавияти, ақл-идроки, орзу-истаклари ўз аксини топган.

Кези келганда шуни айтиш керакки, ҳар йили конституция кунини нишонлар эканмиз, бу аввало, босиб ўтган йўлимизга баҳо бериш, конституциямиз қандай аҳамиятга эга эканини яхшироқ англаш имкониятини беради. Ўтган йилларга назар ташласак, эски тузумдан воз кечиб, халқ орзу-истаги натижасида мустақилликни танлаганимиз, ҳуқуқий давлат қуриш ва бозор иқтисодиётини барпо этиш ва энг муҳими, буларни асосий қонунимизда акс эттира олганимиз бирдан-бир тўғри йўл эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз экан, ана шу мақсадга эришишда **Конституциямиз** асосий мезондир. Конституциямизда теран ифодасини топган ғоялар, тамойиллар, меъёрлар ана шу мақсад йўлида хизмат қилиши муваффақиятимиз гарови ҳисобланади.

Албатта, Конституциянинг инсоният тараққиётидаги аҳамияти, ўрни, мазмун-моҳияти ҳақида жаҳон миқёсида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, мамлакатимизда ҳам шундай ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Бу тадқиқотларда асосий эътибор кўпроқ конституциявий меъёрларга қаратилади. Бироқ Конституцияда конституциявий меъёрлардан ташқари шундай ғоялар ҳам борки, улар конституция меъёрларининг қандай бўлишини, конституция тамойилларини белгилаб беради. Булар Ўзбекистон Конституциясининг муқаддимасида белгиланган Ўзбекистоннинг мақсад-ғояларидир.

Биз қуйида халқимизнинг ана шу асосий мақсадларини кўрсатувчи ғояларнинг Конституция меъёрларида қандай акс эттирилгани ҳақида фикр юритишни лозим деб топдик.

Энг аввало, конституцияда инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик тўлиқ ўз ифодасини топган. Конституция суверенитет — мустақиллик, шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи меъёрлар ана шу ғояларни ҳуқуқ даражасида мустаҳкамлаган. Натижада Ўзбекистон мустақил давлатнинг барча хусусиятларига эга ва шу асосда бошқа давлатлар билан тенг асосда ҳамкорлик қилади ҳамда ўз фуқароларини манфаатини мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарида ҳам тўлиқ ҳимоя қилиш, уларнинг фаровон турмуш кечириши учун шароит яратиб бериш имкониятига эга. Давлат суверенитети Конституциянинг 1-бобида кафолатланиши ҳам унинг ҳал қилувчи аҳамиятини кўрсатади.

Суверенитет — мустақиллик ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши, ҳокимиятни ташкил қилиш ва бошқа ҳуқуқий институтларга бевосита таъсир қилади. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг "**Мустақиллик — бу ҳуқуқдир**" деган таърифининг маъноси жуда кенг ва мустақилликнинг асл мазмун- моҳиятини кўрсатиб берган.

Ҳозирги ижтимоий муносабатлар тизимида ҳокимиятни ташкил қилиш марказий ўринда туради, чунки ижтимоий муносабатларни ривожланиши ҳокимиятга бевосита боғлиқдир. Ҳокимиятнинг қандай бўлиши суверенитетга боғлиқ бўлса, ўз навбатида суверенитетни мустаҳкамлашда ҳокимиятнинг қандай ташкил қилинганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Шунинг учун Конституциямиз давлат суверенитетига таянган ҳолда халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаган. Ҳокимият тизимида эса давлат ҳокимияти муҳим ўрин тутиб, у халқ ҳокимиятини рўёбга чиқарувчи воситадир. Шу боис ҳам Конституциямизда (7-модда) "**Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир**" дея баён этилган.

Шу маънода Конституциямизда **давлат ҳокимияти халқ манфаатини кўзлаши, ҳокимият фақат қонун ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилиши, давлат ҳокимиятини ўзлаштиришга йўл қўймаслиги, қонунсиз ҳокимиятни, янги мувозий таркибларни тузиш мумкин эмаслиги** белгилаб қўйилган (7-модда).

Бундан ташқари, халқ номидан фақат Олий Мажлис ва Президент иш олиб бориши; давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан иборат эканлиги; ҳокимиятни ташкил этиш ва қўллашда демократияга асосланиш конституциявий даражада мустаҳкамланган бўлиб, демократия умуминсоний тамойилларга асосланиши ва шундан келиб чиқиб, **инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари асосий қадрият эканлиги конституцияда эътироф этилган** (10, 11, 13-моддалар).

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш Конституциянинг асосий ғоя ва мақсадларидан биридир. Ана шу ғоя ва мақсад, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

**Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширади**, деган сўзлар 13-моддада баён этилган.

**(Давоми иккинчи бетда)**

## МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ КОНСТИТУЦИЯСИ

**У собиқ иттифоқ республикалари ичида биринчи бўлиб, 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган**

*I. 1990 йилнинг 24 мартида бўлиб ўтган республика Олий Кенгаши сессияси фуқароларнинг ҳуқуқ ва хавфсизлигини таъминлаш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни изчил давом эттириш мақсадида Президентлик бошқарувини таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайланди.*

*Ушбу сессияда янги Конституция ишлаб чиқиш ғояси илгари сурилди. Чунки собиқ иттифоқ даврида қабул қилинган, 1989 йилнинг октябрида яна 46 та ўзгартириш ва қўшимча модда киритилган амалдаги Конституция шиддатли равишда ўзгариб бораётган давр талабларига жавоб бера олмас эди.*

*II. 1990 йилнинг 20 июнида Олий Кенгаш ҳузурида янги Конституция тайёрлаш бўйича комиссияси тузилди. Конституция комиссиясига Президент Ислом Каримов раис этиб сайланди.*

*III. 1991 йилнинг 12 апрелида Конституция комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов ишчи гуруҳ олдига халқимизнинг хоҳиш-иродаси, миллий ўзига хос хусусиятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир халқаро ҳужжатлар ҳамда демократик давлатларнинг конституция тажрибасидан келиб чиқиб, кўпмингйиллик давлатчилигимиз тарихига таянган ҳолда янги Конституция концепциясини ишлаб чиқиш вазифасини қўяди.*

*IV. 1991 йилнинг ноябрида янги Конституциянинг дастлабки лойиҳаси тайёр бўлади. Президент Ислом Каримов ва у киши раҳбарлигидаги комиссия аъзолари лойиҳа устида икки йил давомида ишлашади.*

*V. 1992 йилнинг июлида Олий Кенгаш сессиясида, сентябрда эса Конституция комиссиясининг навбатдаги мажлисида мазкур лойиҳа кўриб чиқилади ва умумхалқ муҳокамасига тавсия этилади.*

*VI. Янги Конституция лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши сингари халқаро ташкилотлар, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва бошқа тараққий топган мамлакатлар экспертлари томонидан кўриб чиқилиб, ижобий хулоса берилгач, 1992 йилнинг 26 сентябрида республикамиз матбуотида эълон қилинади — умумхалқ муҳокамасига қўйилади.*

*VII. Фуқароларнинг таклиф ва истакларидан келиб чиқиб, Президент Ислом Каримов ва ишчи гуруҳ лойиҳани қайта кўриб чиқишади. Лойиҳа 1992 йилнинг 21 ноябрида иккинчи маротаба матбуотда эълон қилинади.*

*VIII. 1992 йилнинг 7 декабрида Конституция комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади, унда лойиҳани Олий Кенгашнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш ҳақида қарор қабул қилинади.*

*IX. 1992 йилнинг 8 декабрида Олий Кенгаш сессиясида моддама-модда овозга қўйилган ҳолда Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинади.*

Xabar

## МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн уч йиллиги арафасида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун адлия вазирлигининг бир гуруҳ ходимлари Президентимиз Фармонига биноан давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. Куни кеча Адлия вазирлигида ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни Адлия вазири А.Полвонзода топширди ва уларнинг келгусидаги ишларига ривож тилади.



Бекобод тумани суд ижрочилари бўлинмасининг катта суд ижрочиси Баҳром Қорабоев "Меҳнат шуҳрати" ордени, Адлия вазирлигининг катта маслаҳатчиси Ольга Камилова "Дўстлик" ордени, Адлия вазирлигининг бош маслаҳатчиси Любовь Бреднева, Наманган шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонасининг адвокати Абдулҳамид Қорабоев, Андижон вилояти адлия бошқармасининг бош маслаҳатчиси Шуҳрат Усанов, Собир Раҳимов туманидаги 1-давлат нотариал идорасининг катта нотариуси Холида Ҳакимова "Шуҳрат" медали билан тақдирланишди.

Bizning sharh

***Билиб-билмасдан жиноятга қўл урган кимсаларга нисбатан кечиримли бўлиш азал-азалдан миллатимизга хос бўлган хислатлардан бири саналади. Қолаверса, ҳозирги давр нуқтаи назаридан баҳолаганда, жамиятда шахс эрки ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва ҳимоялаш миллий ва умуминсоний қадриятлар сифатида янада бойиб бормоқда.***

## АМНИСТИЯ:
## БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

Давлатимиз раҳбари поёнига етиб бораётган йилни **"Меҳр-мурувват йили"** деб эълон қилиб, юртимизда яшовчи барча миллат ва элат вакилларини қонун олдида тенглик асосида тинч-тотув яшаш, эркин ва фаровон ҳаётга эришиш учун биргаликда меҳнат қилишга чорлагани замирида ҳам ана шундай олижаноб мақсадлар мужассамдир.

Куни кеча матбуотда эълон қилинган **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"**ги Президент Фармонининг ҳар бир сатрида инсонпарварлик тамойили йўғрилган десак, асло муболаға эмас.

Амнистия тўғрисида сўз юритишдан олдин шуни таъкидлаш жоизки, бу қоида мамлакатимизнинг асосий қонуни бўлган Конституцияда ҳам ўз аксини топган. Яъни бош Қомусимизнинг 93-моддасида Амнистия ёки авф этиш масаласи давлат раҳбарининг ваколатлари доирасига кириши белгилаб қўйилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, судлар томонидан муайян жазони ўташга ҳукм қилинган шахсларни авф этиш масаласи Президент томонидан кўриб чиқиб ҳал қилиниши ҳам Конституцияда акс эттирилган.

**(Давоми иккинчи бетда)**

Yoshlar ovozi

## КОНСТИТУЦИЯ — ҲАЁТИМИЗ ДАСТУРИ

***Ҳамма даврларда ҳам ўсиб-униб келаётган ёш авлоднинг саъй-ҳаракатлари, дунёқараши, тафаккур тарзи, интилиш ва орзу-умидлари ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Зеро, бугунги ёшларнинг интилиш ва ғайрат-шижоати жамиятнинг эртанги кун қиёфаси, тараққиёт даражасини белгилайди.***

***Шу маънода истиқлол йилларида мамлакатимизда ёш авлоднинг эмин-эркин билим олиши, ўз имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди. Энг муҳими, ёш авлодга эртанги кунимиз эгалари деб қараш, уларнинг ғайрат-шижоати ва интилишларини рағбатлантириш ҳаётимизда ўзининг теран ифодасини топиб бормоқда.***

***Шунингдек, халқимиз ўз олдига қўйган эзгу мақсад — адолатли ҳуқуқий жамиятни шакллантиришда ҳар биримизнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий дунёқараши, салоҳияти, амалдаги қонунларни пухта билиши ва амал қилиши алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода Конституциямизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини ошириш мақсадида Президентимиз Ислом Каримовнинг 2001 йил 4 январда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишининг қабул қилиниши ҳаётимизда катта воқеа бўлди.***

***Энг асосийси, мазкур Фармойишда белгиланган муҳим вазифаларнинг ҳаётда ўз ижросини топиши Конституциямизни мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида ўрганишни янги босқичга олиб чиқди.***

***Буни қуйида берилаётган мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари талабаларининг фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиб олиш мумкин.***

### «АЛИФБО КАБИ ЁД ОЛАЙЛИК...»



**Собиржон ЁҚУБОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети магистранти**

Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганига ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. 12 йил. Бу фурсат орасида илк бор кўз очган гўдак мучал ёшига етади. Эндигина тетапоя қила бошлаган болакай мактабни тамомлаб, катта ҳаёт остонасига қадам қўяди. 12 йил ичида яна қанчадан-қанча эътиборли ҳодисалар рўй берди.

Булардан энг муҳими — фуқароларимизнинг дунёқараши, тафаккурида туб ўзгаришлар юз бергани бўлди.

Яқин ўтмишимизда — шўро тузуми ҳукмронлиги даврида миллатдошларимиз қандай муҳитда яшагани ҳали ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилгани йўқ.

Фуқароларни муте ва тобе кайфиятда тарбиялашга зўр берган ва шу йўл билан миллатлар устидан осонликча ҳукмфармолик қилишни кўзлаган тузум шароитида, мунофиқ сиёсат етакчи бўлган даврда компартия имкон қадар халқни ҳуқуқий саводсиз ҳолатда сақлашга ҳаракат қилган.

Шўролар империяси ҳукмронлиги даврида қонунлар умумхалқ учун эмас, маълум тоифа манфаати учун хизмат қилди.

Фуқаролардан уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари яшириб келинди, кишиларга фақат мажбуриятлар ўргатилди, фақат нима қилиш кераклиги уқтирилди. Оқибатда жамиятда фикр қуллиги каби даҳшатли ҳодиса ҳукмрон бўлди.

Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши энг биринчи навбатда ана шу иллатларга зарба берди. Бугунги авлод ўз ҳуқуқини билишга, ҳаётда инсонлардай яшашга интилади.

**(Саҳифанинг давомини учинчи бетда ўқийсиз)**

Faxr

***Ўтган аср инсоният тарихида унинг минг бир машаққатлар билан кечган улғайиш даври бўлди. Бир аср ичида икки жаҳон урушини ва яна кўплаб катта-кичик урушларни, дунёни иккига ажратиб юборган қонли инқилобни ўз бошидан кечирган, мислсиз талофат ва вайронагарчиликларни кўрган одамзоднинг кўзи бу гал каттароқ очилди: зотан, жамики хўрлик ва уқубатлар марказида бу кўргуликларнинг сабабчиси инсоннинг ўзи турган эди. Ғарбда бош кўтарган фашизм балоси, Шарқда авжига минган "қизил террор" офати миллионлаб одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиб ташлади, шахс қадр-қиммати ерга урилди, эркин яшаш ҳуқуқларидан тамоман маҳрум этилган бутун-бутун халқлар сарсонлик-саргардонликка гирифтор этилди...***

## ҚАРОР ТОПГАН ИШОНЧ

XX аср одам боласини тез улғайтирди — ўзининг шиддатли, шафқатсиз оқими билан Инсон тафаккурини чархлади. Қандай йўл тутилса, уруш офатларидан халос бўлиш мумкин, инсон ҳуқуқларига ишончни қарор топтирмоқ учун қандай чора-тадбирлар кўрмоқ лозим, адолат ва халқаро ҳуқуқлар барқарорлигини таъминлашнинг, ижтимоий тараққиётга, ҳар бир инсон турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашишнинг йўл-йўриқлари қандай?

Аср ўрталарига келиб — дунёни бузиб юборган иккинчи жаҳон уруши харобалари-ю шўролар салтанатининг раҳмсиз қатағонлари оқибатлари инсониятни ана шундай жумбоқлар қаршисига қўйди. Фашизмга қарши кураш жараёнида таркиб топган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг муқаддимасида шундай сўзлар ёзилди: "Биз, Бирлашган Миллатларнинг халқлари, инсоннинг асосий ҳуқуқлари, инсон шахсининг қадр-қимматига, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигига ҳамда катта ва кичик миллатлар ҳуқуқи тенглигига ишончимизни яна бир карра тасдиқлаб, БМТ Уставини қабул қилишга ва БМТни тузишга азму қарор қилдик". Бу қарор 1945 йилда қабул қилинган эди. Орадан уч йил ўтиб — 1948 йили Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинди.

**(Давоми учинчи бетда)**

# Конституциямиз энг илғор ғояларни ўзида жо этганини, бугунги кунда бутун жаҳон тан олмоқда. Унинг ҳаётбахш

# АМНИСТИЯ:
## БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

Bizning sharh

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Амнистия атамаси грек тилидан олинган бўлиб, унутиш, кечириш деган маънони англатади. Шунинг учун амнистия моҳиятида жиноят содир этган ёки жазо ўтаётган жиноятчиларга давлат томонидан инсонпарварлик принципи акс этган ҳуқуқий хусусиятдаги ҳужжат деб қараш мумкин. Зеро, амнистия қўлланган жиноятчилар оқланган ҳисобланмайди, бундай кимсаларга меҳр-мурувват кўрсатилиб, содир этган жиноий қилмишлари кечирилади. Шу сабабли жиноят содир этган шахс Амнистия тўғрисидаги фармон орқали фақат бир марта жавобгарликдан ёки жазодан озод этилади.

Таъкидлаш жоизки, суд томонидан «Амнистия тўғрисида»ги Фармон асосида жазодан озод қилинган шахслар, шунга ўхшаш тергов ёки суд идоралари иш юритувидаги амнистия асосида тугатилган ишлар юзасидан шахслар судланмаган ҳисобланади.

Шу ўринда Жиноят кодексидаги амнистия ва авф этиш деб аталган атамаларнинг ўзаро фарқи нима, деган савол туғилиши табиий. Бунга жавобан шуни айтиш жоизки, амнистия тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат муайян бир тоифага кирувчи жиноятчиларга, мисол учун биринчи марта жиноят содир этиб жазо ўтаётган аёллар, вояга етмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет эл фуқаролари ва бошқаларни жавобгарлик ёки жазодан озод қилишни кўзда тутади, яъни қўллаш доираси кенглиги билан авф этиш ҳужжатидан фарқ қилади. Авф этиш алоҳида шахсларга, яъни қатъий равишда алоҳида олинган битта жиноятчига ёки қонун тили билан айтганда, фақат суд ҳукми қонуний кучга кириб жазо ўтаётган шахс қилмишининг давлат раҳбари томонидан кечирилиши тушунилади. Авф этишнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ўлим жазосини авф этиш тартибида йигирма беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш масаласини ҳал қилиш ҳам фақат давлат раҳбарининг мутлоқ ваколати ҳисобланади.

Маҳбусни жазодан озод этиш ёки тайинлаган жазони қисқартириш ёхуд жазосини енгилроқ жазога алмаштириш авф этиш йўли билан ҳал этилади. Аммо жавобгарликдан озод этишда авф қўлланилмайди. Авф тўғрисида маҳбуснинг ўзи, уни ота-онаси, ҳимоячиси илтимоснома билан мурожаат этишга ҳақли.

**“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида”**-ги Президенти Фармони билан жиноят содир этган шахслардан бир тоифаси жиноий жавобгарликдан (6-модда), яна бир гуруҳи жазони ўташдан (1-5 моддалари), учинчи гуруҳи, яъни озодликдан маҳрум қилиш жойларидан жазо жазодан озод қилинмайдиган маҳбусларнинг деярли кўпчилигининг жазо муддатининг ўталмаган қисми учдан бир қисмига ёки тўртдан бир қисмига қисқартирилади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияда белгилаб берилган инсонпарварлик тамойилини амалга ошириш учун ўн беш маротаба **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармонларини эълон қилиши натижасида бир неча минг нафар жиноятга қўл урган шахслар жавобгарлик ёки жазодан озод этилган. Жиноят содир этган кимсаларнинг айбидан кечиш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, шунингдек, бошқа шахсларнинг жиноят содир этишининг олдини олишдек жазонинг мақсадни рўёбга чиқаришга, энг муҳими, бу ҳуқуқий ҳужжат жиноят содир этгандан сўнг айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймон бўлиб, афсус-надомат чекиб, оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалла-кўйга қайтиш илинжида озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ўтаётган маҳбусларнинг жамиятга қайта қўшилишига кенг йўл очиб берди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг шу йил 2 декабрда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ ўн бешинчи сессиясида сўзлаган маърузасида Конституция қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармони билан озодликдан маҳрум қилиш жойларидан беш минг нафардан ортиқ маҳбуслар озод қилиниши, яна бир қисмининг ўталмаган жазоси қисқартирилишини таъкидлаб ўтди. Таъкидлаш жоизки, бу ҳужжат қабул қилинган кунгача эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган, яъни муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат, жамоа кафиллиги, вояга етмаганларни кузатув остига топшириш ёки гаров қўлланган айбланувчиларга тегишли ишларни уларнинг розилиги билан тугатишни қўшиб ҳисоблаганда, бу Фармон таъсирига тушганлар сони яна минглаб шахсларга ортади. Қайд этилганлар билан бирга Президентимиз Ислом Каримов шу сессияда суд-ҳуқуқ тизими идоралари ходимлари эътиборини жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексидаги жазо тизими ислоҳ қилингани, жумладан, жазо тайинлашдаги мезонлар ўзгаргани, жиноятни тоифалаб ҳар бир жиноятчига нисбатан алоҳида ёндашув асосида қонунда белгилаб қўйилганидек зарарни қоплаганда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб жазо тайинлашда инсонпарварлик принципини кенгроқ жорий этишга даъват этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, **“Амнистия тўғрисида”**ги Президент Фармонининг бешинчи моддасида “**экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистоннинг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузатиш йўлига қатъий ўтган шахсларнинг ҳам жазодан озод қилиниши**” белгилаб қўйилган. Ушбу модда мазмунидан кўриниб турибдики, жазо муддатидан қатъи назар тузалиш йўлини узил-кесил ихтиёр этган экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа таъқиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этган жиноятчи кимсалар кечирилади.

Мазкур Фармоннинг 8-моддасида ўта хавфли рецидивистларга, жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга, шунингдек, муқаддам авф этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга ушбу ҳуқуқий ҳужжат тадбиқ этилмаслиги кўрсатилган.

Шуни унутмаслик лозимки, жазони ўташ жойларидан бўшатилган шахсларнинг жамиятдан ўз ўрнини эгаллаб бошқа жиноятга қўл урмасликлари, энг аввало, уларнинг ота-оналари, яқин қариндошлари, улар яшаётган жойдаги маҳалла фаоллари, ўзини-ўзи бошқариш идоралари мутасаддилари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Қолаверса, маҳаллий ҳокимиятлар қошидаги тегишли комиссиялар, ички ишлар идораларининг профилактика бўлимлари ҳам бундай шахсларни ижтимоий муҳитга мослашишларига кўмаклашувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиб амалга оширишлари лозим. Ана шундагина ушбу Фармонда кўзда тутилган мақсадга тўлиқ эришиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг **“Амнистия тўғрисида”**ги Фармони ўз мазмун-моҳияти билан бағрикенглик ва инсонийликнинг олий намунаси бўлиб, у билиб-билмай жиноят йўлига кирган кўплаб юртдошларимизнинг ҳаётида муҳим из қолдириши шубҳасиз.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**юридик фанлари доктори**

# БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Конституциянинг ана шу раҳбарий қоидалари “**Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари**” бўлимида янада кенгайтириб ифода қилинган.

Конституцияда белгиланган сиёсий ҳуқуқлар — фуқароларга сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш, иқтисодий ҳуқуқлар — фаровон ҳаёт кечириш, шахсий ҳуқуқлар — шахснинг қадр-қимматини муносиб даражада бўлишини таъминлайди. Шунингдек, Конституция ҳозирги ва келажак авлод олдидаги масъулият эътиборга олиниб қабул қилинган ҳужжат бўлгани учун унинг меъёрларида ана шу масъулият қонунлаштирилган. Буни 2-моддадаги “**Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар**” деб белгиланган меъёр мисолида кўриш мумкин.

Мамлакатимиз ҳудудида яшовчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлаш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиш (4-модда), тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мулк шаклларининг тенглигини, фуқаролик институтларининг фаолият кўрсатишини таъминлаш, оилани қўллаб-қувватлаш каби давлат мажбурияти конституциявий масъулият сифатида қонунлашган.

Дунё давлатчилик тарихида халқнинг орзу-ҳавасини рўёбга чиқараётган, ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлаётган, ҳокимият билан эркинлик ўртасида тўғри муносабатни ўрната олган давлат — ҳуқуқий давлат бўлганлиги учун ҳам Ўзбекистон ўзининг асосий мақсадини ҳуқуқий давлат қуриш деб белгилади ва уни Конституциянинг муқаддимасида эълон қилди. Ҳуқуқий давлат қуриш учун ҳуқуқий давлатга мос хусусиятлар вужудга келиши, шаклланиши, ҳаётда ўз ифодасини топиши зарур.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий қонуни, ҳуқуқ меъёрлари бўлганини, барча давлат ҳуқуқий муносабатлар қонун ва ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинишини зарурлиги, қонунларга риоя этиш эса ҳуқуқий давлатнинг асосий шарти бўлганлиги учун Конституцияда демократик ҳуқуқ ва меъёрлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши (13-модда), давлат ўз фаолиятини қонунийлик принципида амалга ошириши (14-модда) белгиланган.

Бундан ташқари, Конституциямизда (III-боб) “**Конституция ва қонуннинг устунлиги**” ҳақида махсус боб мавжуд бўлиб, бу ҳам ҳуқуқий давлатнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Конституциянинг 15-моддасида “**Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституция ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади**” дея белгиланган. Демак, мамлакатимизда ҳуқуқий муносабатлар конституция ва қонун меъёрлари билан тартибга солинади. Бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асло уларга зид бўлмаслиги шарт.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришининг белгиланиши эса қонунийлик принципининг асосий мазмуни бўлиб, унда асосан қонунийлик фақат давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар фаолиятидагина эмас, жамоат бирлашмалари, фуқаролар фаолиятида ҳам ўз таъсир доирасига эга эканлиги ўз аксини топган. Конституциянинг бирор-бир қоидаси бузилиши у ёқда турсин, улар мамлакатимиз ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган даражада ҳам талқин қилиниши мумкин эмас (16-модда).

Қонунийлик натижасида фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатда манфаатлар муштараклиги таъминланади, давлат фақат қонунларни яратиш билан чекланмай, ўзи ҳам унга амал қилиши шарт бўлади.

Конституцияда ҳуқуқий давлат шартларидан бўлмиш ҳокимиятнинг бўлиниш принципи, қонун олдида барчанинг тенглиги етарли даражада белгиланган бўлиб, бу меъёрлар моҳият-эътибори билан инсонни олий қадрият даражасига кўтариш, фуқаролар тинч-тотувлигини таъминлашга хизмат қилади.

Жаҳон тараққиёти, мамлакатлар ривожланиши барча мамлакатларда ижтимоий муносабатларнинг такомиллашуви, кенгайиб бориши, янги ижтимоий муносабатларнинг вужудга келишига олиб келмоқда. Бу, албатта, Конституцияларнинг ҳам такомиллашуви, ўзгартирилишига зарурат туғдиради.

Мамлакатимизда давлат қурилиши ва бошқарувини такомиллаштириш бўйича ўтказилаётган ислоҳотлар, эркинлаштириш, демократлаштириш жараёнлари конституцияда ўз аксини топиши табиий ҳол. Шу боис 2003 йилда конституциямизга асосий мақсад ва тамойилларга заррача салбий таъсир қилмайдиган, аксинча, мақсадга эришишни тезлаштирувчи, ўтказилган ислоҳотлар натижасини қонуний акс эттирувчи ўзгартиришлар киритилди. Бу ҳол, аввало, халқнинг хоҳиш-иродасини акс эттирган референдум натижасида амалга оширилди.

Демократияни чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг бўлиниш принципи амалиётини кенгайтириш, қонунлар сифатини яхшилаш, ҳудудлар манфаатини тўлиқроқ ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилган конституциявий ўзгартиришлар ҳозирги кун талабларига ва жаҳон тажрибасига тўлиқ мос тушиши билан келажакка бўлган ишончни янада оширади.

Парламентни икки палатали тузилишда ташкил этиш, қуйи палатанинг доимий профессионал асосида ишлашини белгилаш, Президент, парламент ваколатларини қайта тақсимланиши, ҳукуматга Бош вазирнинг раҳбарлик қилишининг белгиланиши, суд ҳокимияти ва сайлов тизимидаги ўзгаришлар Конституциямизда ўз ифодасини топди ва амалга оширилган ислоҳотлар натижаси конституциявий даражада мустаҳкамланди. Бу туб ўзгаришлар қонунчилик жараёнини такомиллаштириб, қонунлар сифатининг мукаммал бўлиши; парламентнинг назорат вазифасини кучайтириш; ҳукумат фаолиятида масъулликнинг ортишига, суд фаолиятини талаб даражасида бўлишига; сайлов тизмини такомиллашувига олиб келиши баробарида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланишига ижобий таъсир қилади.

Икки палатали парламентга ҳозирги кунда жуда катта ишонч билан қаралмоқда. Биринчи марта профессионал асосда ишловчи парламентнинг “Қонунчилик палатаси”ни ташкил этиш, Сенат аъзоларининг асосий қисми маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлар орасидан сайланиши 26 декабрда бўлиб ўтадиган сайловга аҳолининг қизиқишини кучайтиргани бежиз эмас. Бундан ташқари бу масалаларга хорижий ҳамкорларимиз, мутахассислар ҳам ўз диққат-эътиборларини қаратмоқда. Кўпчилик ўзгариш ва ўтаётган жараёнга холисона баҳо бераётган бўлса, “тирноқ ичидан кир қидирувчилар” ҳам топилиб турибди.

Айтиш керакки, сайлов тизимини белгиловчи конституция меъёрларида сайлов ўтказишда жаҳон миқёсида қўлланиладиган талаблар низомларга зид ҳеч нарса йўқ.

Халқаро миқёсда қўлланиладиган умумий, тенг, яширин овоз бериш принциплари, хоҳиш-иродани эркин амалга ошириш (117-модда) Конституцияда белгиланган бўлса, сайловларнинг ошкора, адолатли ўтиши, масъуллик принципи конституция асосида қабул қилинган сайлов қонунларида белгиланган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Хўш, сайлов хусусида Конституцияга киритилган ўзгариш нималардан иборат бўлди? Бунга жавобан шуни айтиш жоизки, энг аввало, конституцияда Президент сайлови, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, маҳаллий вакиллик органларига сайловларнинг ўтказилишининг аниқ муддати белгилаб қўйилди, яъни сайловлар уларнинг ваколат муддати тугайдиган йилда декабр ойининг учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади (бу йил 26 декабрга тўғри келди). Аввалдан бундай муддатнинг белгиланиши жаҳон тажрибасида қўлланиб келинган. Бу сайловларнинг белгиланган даврда мунтазам ўтиши, кимнингдир хоҳишига қараб олдинга ёки орқага суриш йўл қўймаслик гаровидир.

Конституциядаги иккинчи муҳим ўзгариш, сайлов тизимимизга поғонали сайлов ҳуқуқининг киритилишидир. Агар Президент сайлови, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тўғридан-тўғри ўтказилса, Сенатга сайлов поғонали сайлов асосида ўтказилади. Яъни Сенаторлар Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан сайланади. Поғонали сайлов ҳам халқаро миқёсда қўлланиладиган ва демократияга асло зид бўлмаган сайловдир. АҚШда ҳатто Президент ҳам поғонали сайлов орқали сайланади. Поғонали сайловни қонунлаштириш билан Ўзбекистон сайлов тизими янада бойиди. Конституция асосида сайлов тўғрисидаги қонунлар ҳам янада такомиллаштирилди. Қонунларда Қонунчилик палатасига депутатликка номзод кўрсатувчи субъектлар орасидан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини чиқарилиши, судланганлиги бекор бўлган ёки белгиланган тартибда олиб ташланганлар ҳам сайланиш ҳуқуқига эгалигининг белгиланиши сайловлардаги умумий, тенг принципларни кенгайтирди ва Ўзбекистон сайлов тизимини демократлаштирди.

Кўриниб турибдики, Конституциямиз ўзгаришлар натижасида янада такомиллашди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, яхши Конституцияга эга бўлиш билан муаммолар ҳал бўлмайди, уни ишлатиш учун кўплаб чора-тадбирлар белгиланади, конституция ҳимоя қилинади.

Конституция энг кучли қонун бўлишига қарамай, ҳимояга ҳам муҳтож ҳужжат. Шунинг учун унинг ҳимоясига доимо эътибор берилади. Бу Конституцияга риоя этилишининг доимий назоратда бўлишини тақозо этади. Конституция ва қонунларга риоя этишнинг кафили, биринчи навбатда, Ўзбекистон Президентидир (93-модда 1-банд).

Бундан ташқари, Конституцияни ҳимоя қилиш бўйича Парламент, айниқса, конституциявий суд олдида алоҳида вазифалар туради. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш асосида Конституциявий суд фаолиятини янада жонлантириш, унинг ҳуқуқий давлатда муносиб ўрин тутишини таъминлаш чораларини кўриш бўйича изланишлар олиб бориш масалаларини ўйлаш, суд ислоҳоти масалаларини Конституциявий судга ҳам каратиш фойдадан холи бўлмайди. Конституциянинг самарали ҳимояси унинг обрўсини оширади, бундан фуқаро ҳам, давлат ҳам манфаатдор бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Конституция — инсоният кашф этган энг улуғ ва муқаддас ҳужжат бўлиб, у инсон онги, билими, тажрибаси, маданияти, маънавияти, тарихий мероси маҳсулидир. У инсон тақдирига таъсир қилиш кучига эга. Конституцияда инсон орзу-истаклари, хоҳиши, шаъни, қадр-қиммати, ҳозирги кун ва келажакка умиди акс этган. Конституция жамиятда “эркинлик” ва “хокимият” мувозанати мутаносиблигини таъминловчи восита бўлиб, шу мутаносибликни таъминлай олсагина, у яшашга лойиқдир. Конституция — тараққиётнинг муайян босқичида янгиликнинг эскилик устидан, эзгуликнинг разиллик устидан, эркинликнинг ҳақсизлик устидан, адолатнинг зўравонлик устидан, тараққиётнинг тўсқинлик устидан ғалабаси сифатида вужудга келган ҳужжатдир.

**Озод ҲУСАНОВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор**

# ДАХЛСИЗЛИК ВА ИМКОНИЯТ

G`urur



Мустақиллик ва Бош Қомусимиз юртимизда фуқароларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқини кафолатлади. Буни бизнинг фермер хўжалигимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

2000 йилда Ислом шоир номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан 30 гектар ер олиб, иш бошлаган эдик. Бу йил 12 гектар ғалла майдонида ҳосилдорлик ниҳоятда юқори бўлди. Ишлаб чиқарилган 56 тонна доннинг шартномавий режадаги 27,5 тоннасини давлатга топширдик. Ихтиёримизда эса 28,5 тонна ғалла қолди.

Пахтачилик соҳаси мураккаб эканлигини деҳқонларимиз яхши билишади. Агар ана шу тармокдаги кўрсаткичларимизни тилга олсам, кимдир мақтанишга йўйиши мумкин. Лекин бор ҳақиқат шуки, 18 гектар пахта майдонидан режадаги 43,2 тонна ўрнига 70,7 тонна ҳосил тўпладик. Пахта тайёрлаш йиллик шартномавий режасини 163,6 фоизга бажардик.

Албатта, бундай муваффақиятларга ўз-ўзидан эришганимиз йўқ. Аввало деҳқончиликда бой ҳаётий тажрибага эга бўлган. Отам Ўринбой Абдуалимов фермер хўжалигида ишлаётган биз олти ака-уканинг бошини қовуштириб, бошлаган ишимизга йўл-йўриқ кўрсатиб турди. Дастлабки вақтларда “Белорус-80” русумли тракторимизга суяндик. Ўтган йили эса “Савдогарбанк”нинг Оқтош бўлимидан уч йил муддатга 4 миллион 800 минг сўмлик кредит маблағи олдик. Бундан ташқари, лизинг шартномаси асосида “МТЗ-80” русумли чопиқ трактори олгач, ишимиз янада юришиб кетди. Яқинда банкдан олган қарзимизни узиш арафасида турибмиз.

Нақди шуки, ғалла ҳамда пахтани экиш, уруғлик, ёқилғи ва мойлаш материаллари, эҳтиёт қисм, минерал ўғит, иш ҳақи, солиқ тўловлари ва бошқа харажатларни чиқариб ташласак, фермер хўжалигимиз 8 миллион 55 минг сўм соф фойда билан чиқар экан. Бу биз — деҳқонларга Конституция туфайли мулкдор бўлиш ҳуқуқим кафолатлангани ва мулк ҳуқуқи дахлсизлигига имкон берилгани эмасми?

**Тўйли АБДУАЛИМОВ,**
**Нарпай туманидаги “Тонг” фермер хўжалиги раҳбари**

# ҲАР ИШНИНГ БОШИ — ҚОНУН!

Qonun dastagi

***Бозор иқтисодиёти шароитида баъзи бир корхоналарнинг тугатилиши ёки банкрот деб эълон қилиниши табиий жараён ҳисобланади. Ислоҳотлар тизгинини маҳкам ушлаган, давр билан бирга қадам ташлаётган корхоналар ривожланиб бораверади, аксинча, иқтисодий ночор корхоналар рақобат майдонини тарк этади.***

Чирчиқ шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси ана шундай иқтисодий жиҳатдан ночор корхона ҳисобланади. Кўрилган жиддий чора-тадбирларга қарамай, кейинги йилларда бошқарма фаолиятида бирор-бир жиддий ўзгаришлар сезилмади. Мутасаддилар бу мушкул вазиятдан чиқиб кетишнинг иложини топишолмади. Сурункали давом этиб келаётган молиявий ночорлик оқибатида бошқарманинг кредиторлик қарзлари 30 миллион сўмни ташкил этган ва у кундан-кунга ортиб борарди. Шу жумладан, корхона ишчи-хизматчиларига 2001 йилдан 2003 йил март ойигача тўланмаган ойлик иш ҳақининг ўзи 7 миллион сўмни ташкил этарди.

Корхонанинг бошқа даромад манбаи бўлмагани ва шунинг оқибатида қарзларни узиш имконияти йўқлигини ҳисобга олган Тошкент вилояти ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси мутасаддилари қандай бўлмасин ундан қутулиш йўлини излай бошлади. Излаган имкон топади, деганларидек, бир қарашда ғоятда мақбул ва осон йўл топилди.

2003 йил 11 мартда вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошлиғининг 27-И-сонли буйруғи чиқди.

Баъзи бир сабабларга кўра ушбу буйруқнинг айрим бандларини аслидагидек ҳолида диққатингизга ҳавола этамиз:

“**1. Бирлашма тасарруфидаги Чирчиқ шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси 2003 йил 1 мартдан эътиборан тугатилсин.**

2. Чирчиқ шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси балансидаги барча мол-мулк дебиторлик ва кредиторлик қарзлар 2003 йил 1 март ҳолатига Чирчиқ шаҳар “Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш” бўлимига далолатномага асосан топширилсин.

3. Чирчиқ шаҳар “Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш” бўлими Чирчиқ шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармасининг ҳуқуқий вориси этиб белгилансин”.

Шу ўринда битта гапни олдиндан айтиб қўйишни лозим топдик. Амалдаги қонун-қоидаларга мувофиқ равишда ишлаб чиқариш субъектлари, бирлашмалар ўз тасарруфидаги корхоналарни тугатиш ёки тугатмаслик ҳуқуқига эга ва биз ҳам унга аралашиш фикридан йироқмиз.

Келинг, энди яна мавзуига қайтайлик.

Қисқаси, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “**Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш**” бўлимидагилар кутилмаган бу янгиликдан аввалига ҳайратга тушишди. Қолаверса, улар вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси мутасаддилари мазкур буйруқни адашиб, янглиш чиқаришган бўлса керак, деган фикрга бордилар.

Аммо тез орада Чирчиқ шаҳар “Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлимига” тугатилган корхонанинг мол-мулки, дебитор, кредитор қарзларини хатлов асосида қабул қилишга мажбурлай бошлашди.

Ўз навбатида Чирчиқ шаҳар “Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими” бошлиғи М.Собитов буйруқ ноқонуний чиқарилганини исботлашга тушди. Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари ҳам, шаҳар ҳокимлиги қошидаги корхоналарни тугатиш комиссиясида ҳам унга бундай қарордан хабарлари йўқлигини айтишди.

Аслини олганда, Чирчиқ шаҳар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими мавжуд бўлиб, у хўжалик юритувчи субъектларни корхона, ташкилотлар ягона давлат регистрига киритилганлиги тўғрисида гувоҳномага эга корхона ҳисобланади. Чирчиқ шаҳар ҳокимининг 2001 йил 3 августдаги 460-рақамли қарори билан Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими рўйхатга олинган ва у бюджет ташкилоти сифатида иш юритади.

Шунинг учун ҳам Тошкент вилояти ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг 2003 йил 11 мартдаги 27-И-сонли буйруғида **“Чирчиқ шаҳар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими” Чирчиқ шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармасининг ҳуқуқий вориси этиб белгилансин**” дейилиши мутлақо ноқонунийдир.

Қисқаси, мана шундай можаролар давом этаётган бир пайтда Чирчиқ шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармасида ишлаган бир гуруҳ ишчиларнинг Чирчиқ шаҳар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлимига нисбатан иш ҳақи, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилиши мусаффо осмонда чақин чаққандай бўлди. Албатта, ишчиларнинг судга мурожаат қилиши уларнинг қонуний ҳуқуқи. Лекин айбсиз айбдор бўлиб қолаётган корхонанинг ўзини ҳимоя қилиши ҳам мутлақо қонуний ҳуқуқи ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш” бўлими бошлиғи М.Собитов Адлия вазирлигига ҳуқуқий ёрдам сўраб, ариза билан мурожаат қилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” бўлими томонидан ушбу ариза атрофлича ўрганилиб, вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг 2003 йил 11 мартдаги 27-И-сонли буйруғи асоссиз чиқарилган, бошқармани тугатиш масаласи қонунда белгиланган талабларга зид равишда амалга оширилган, деган хулосага келди. Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг корхоналарни тугатиш комиссияси, шаҳар Давлат солиқ инспекцияси, шаҳар статистика бўлими берган маълумотларга кўра, орадан бир йилдан ортиқроқ вақт ўтганига қарамай бошқарма хўжалик юритувчи субъектлар реестридан чиқарилмагани, бинобарин, тугатилмагани аниқланди.

Шунингдек, бошқармада ишлаб келаётган ишчи-хизматчиларга бошқарма тугатилаётгани тўғрисида қонунда белгиланган муддатларда аввалдан маълум қилинмаган.

Юқоридагиларга асосланиб, Тошкент вилояти адлия бошқармасининг тавсиясига мувофиқ вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг 2004 йил 18 февралдаги 12-И-сонли буйруғи билан 2003 йил 11 мартдаги 27-И-сонли буйруғи бекор қилинди.

Албатта, иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш давр талаби. Лекин уни зўрма-зўраки эмас, балки қонун асосида амалга ошириш лозимлигини унутмаслик керак. Акс ҳолда, қош қўяман деб, кўз чиқариш ҳеч нарса эмас.

**Иброҳим ОМОНБОЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Anjuman

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Адлия вазирлигида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда инсон ҳуқуқлари соҳасида қонун ҳужжатларини доимий равишда таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш, халқаро тажрибани ўрганиш ва халқаро-ҳуқуқий меъёрларнинг мамлакатимиздаги ижроси бўйича таклифлар тайёрлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ғоясини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилишнинг ҳолатини ўрганиш ҳамда уни яхшилаш юзасидан тегишли давлат органларига таклифлар киритиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатлик тузилмаларининг нуфузини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий асослари мустаҳкамланишига кўмаклашиш масалалари муҳокама этилди. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши мониторинги соҳасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази билан ҳамкорлик қилиш, фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларининг холисона ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ чора-тадбирлар кўриш вазифалари белгилаб олинди.

**унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганини таъсирини ҳар қадамда сезиб турибмиз.**
**Ислом КАРИМОВ**

# КОНСТИТУЦИЯ — ҲАЁТИМИЗ ДАСТУРИ

## ҲУҚУҚ, БУРЧ ВА МАЖБУРИЯТ



**Шоҳжаҳон РАСУЛОВ, Юнусобод тумани 260-мактаб бошланғич синф ўқувчиси**

***— Конституция деганда нимани тушунасиз?***

— Конституцияда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи, мажбурият ва бурчини белгиловчи қонун-қоидалар жамланган.

***— Конституциянинг қайси моддаларини биласиз?***

— Мен биламанки, ҳар бир фуқаро бепул даволаниш ҳуқуқига эга, ота-она боласини боқиб катта қилиши лозим. Вояга етган фарзанд ота-онаси қариганда қараши шарт. Ҳар бир фуқаро текин таълим олиш ҳуқуқига эга. 18 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга. Яна шуни билдимки, тамаки маҳсулотларни 18 ёшдан кичик болаларга сотиш таъқиқланади. Тоза сувни заҳарлантириш керак эмас.

***— Давлат деганда нимани тушунасиз?***

— Давлат бу бизнинг ҳақ-ҳуқуқимизни белгиловчи, турмуш тарзимизни яхшиловчи ва мактаб шарт-шароитини таъминловчи органдир.

***— Давлатни ким бошқаради?***

— Давлатни Президент ва ҳокимият бошқаради.

***— Давлат рамзларига нималар киради?***

— Давлат рамзларига герб, байроқ, мадҳия киради. Рамз сўзи грекча сўздан олинган бўлиб "symbolon" яъни "танишувчи белги" деган маънони англатади.

***— Конституцияни ўрганиш сизга нималар беради?***

— Конституцияни ўрганиб, ўз ҳақ-ҳуқуқ, бурчим ва мажбуриятларимни билиб олдим. Ҳамма ўз ҳақ-ҳуқуқи ва бурчини билиб олиб, ҳаётда шунга амал қилса, турмушимиз янада фаровон бўлади.

Келажакда ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Дадамнинг айтишича, агар мен катта бўлганимда ҳуқуқшунос бўлсам, ҳеч қачон хатога йўл қўймаслигим керак экан. Чунки бу одамнинг тақдирини ёмон томонга ўзгартириб юборар экан. Шу боис ҳозирдан Конституциямизни қунт билан ўрганаяпман.

## ЁШЛАРНИНГ ҲИССАСИ



**Ёдгор ИСМОИЛОВ, Юнусобод туманидаги 17-мактабнинг 8 «Б» синф ўқувчиси**

Донишманд боболаримиз ёшликда олинган билимни бежизга тошга ўйилган нақшга қиёслашмаган. Ўзимнинг ҳаётимдан олиб айтадиган бўлсам, бугун конституциямиз ҳақида анча тасаввурга эгаман. Чунки мактабимизда Конституцияни ўрганиш фанидан сабоқ олганман. Менинг тасаввурим шундайки, конституциямизни ҳаётдаги ўрнини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Бошқача айтганда, Конституциясиз ҳаёт жаҳолат, жиноятдир.

Шунинг учун ҳам у ҳаётимизнинг Бош Қомуси саналади.

Шу ўринда битта таклиф айтмоқчиман: мактабларда Конституцияни ўқитишни янада такомиллаштириш, бу борадаги адабиётларни янада кўпайтириш зарур. Чунки биз ўз ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларимизни қанчалик мукаммал билсак, фуқаролик жамиятини шаклланишига шунчалик кўп муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

## ЭРТАНГИ КУН ТАРАДДУДИ...



**Малика МИРСИДДИҚОВА, Юнусобод туманидаги 17-мактабнинг 10 «А» синф ўқувчиси**

Президентимизнинг ташаббуси билан мактабларда Конституциямизни ўрганишни йўлга қўйилиши биз, ёшларни, қолаверса, жамиятимизнинг эртанги кунини ўйлаб амалга оширилган эзгу иш деб биламан. Чунки адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳар биримизнинг ҳуқуқий савиямиз, дунёқарашимизга боғлиқ. Билими мукаммал, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши биладиган одам бу жараёнга фаол иштирок этади.

Шу маънода бугун мактабларда Конституцияни ўрганишни йўлга қўйилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Фақат ёшлар ана шу имкониятдан самарали фойдаланиши, Конституциямизни қунт билан ўқиб ўрганиши керак.



**Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.**

**ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ. 41-МОДДА**

## ИСТИҚБОЛИМИЗ МАНБАИ



**Гавҳар АБДУЖАББОРОВА, Юнусобод туманидаги 17-мактабнинг 6 "В"-синф ўқувчиси**

Мен бу йил ўн икки ёшга тўлдим. Конституциямиз билан тенгдош эканим ҳақида ўйласам, жажжи юрагим фахр-ифтихорга тўлади.

Конституциямиз ҳақида илк марта мактабда эшитганман. Ўшанда ўқитувчимиз конституциямизнинг маъно-моҳияти ҳақида содда ва тушунарли тилда баён этиб берганда, юрагим тўлқинланиб кетган. Шундан буён конституцияни ўрганиш дарсига алоҳида қизиқиш билан қатнашаман. Ўтган бир йил давомида жуда кўп нарсаларни ўргандим. Энг асосийси, биз, болаларнинг барча ҳуқуқларимиз Конституциямизда ўзининг теран ифодасини топганини билиб олдим. Бугун мактабимизда ўқишимиз, ҳар томонлама чуқур билим олишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Буни ҳам Конституциянинг ҳаётдаги ижроси деб биламан.

## «БИР МУҚАДДАС КИТОБКИ...»

**Дилшода ЖЎРАЕВА, Ғиждувон туманидаги 24-мактабнинг 11-синф ўқувчиси**

Конституция — халқимизнинг тафаккур тарзи, орзу-умиди ва мақсадларини ўзида тўлиқ акс эттирган кўзгудир. Ҳақ-ҳуқуқларимизни, бахту саодатимизни, эркинликларимизни ҳимоя қилувчи муқаддас ҳужжат. Бош Қомусимиз бошдан-оёқ адолат тамойили билан йўғрилган. Биз, ёшлар Конституциямиз мазмун-моҳиятини чуқур билишимиз зарур. Юртбошимизнинг 2001 йил 4 январда эълон қилинган **"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"**ги Фармойиши демократик ҳуқуқий давлат қурилишининг энг муҳим йўналишларидан бири Конституцияни ўрганиш эканини асослаб берди.

Беадад шукрларким, мамлакатимизда Конституция оммавий равишда ўрганилмоқда. Тўрт йилдирки, мактабимизда Конституция дарслари ўтилаяпти. Бир ҳақиқатни рўй-рост айтишимиз керак. Бугунги кунга қадар қандай ютуққа эришган бўлсак, қандай марраларни эгаллаган бўлсак, қандай чўққиларни забт этган бўлсак, уларнинг ҳаётбахш негизини Конституция ташкил этади. Ўзини ҳурмат қилган ҳар бир инсон мамлакатимизнинг Асосий китобини билиши, эъзозлаши шарт. Зеро, Бош Қомусимиз тақдир йўлимизни ёритувчи маёқ вазифасини ўтайди.

## «АЛИФБО КАБИ ЁД ОЛАЙЛИК...»

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда интеллектуал салоҳияти юқори, билими баланд, дунёқараши кенг, энг асосийси, мустақил фикрга эга бўлган авлоднинг етишиб чиқишида, шубҳасиз, Асосий Қонунимизнинг қабул қилиниши ҳал қилувчи ўрин тутади.

Шўро даврида ёшларнинг сиёсат билан шуғулланиши салкам жиноят сифатида қаралангани — айни ҳақиқат. Бугун эса эндигина университетни битирган тенгдошим ҳатто партия сафига кириб парламент депутати бўлиш учун курашяпти. Бу, албатта, Конституциянинг қабул қилиниши, жамиятда янгича ҳуқуқий муносабатлар, демократик қарашлар юзага келиши мевасидир.

Ибрат, намуна сифатида кўп бора тилга олинадиган АҚШда ўрнак олса арзийдиган бир анъана бор. Америкалик ҳар бир ота-она ўз фарзандига Конституцияни ўргатишни унга оқу қорани танитиш, муносиб исм қўйиш каби муҳим бурч деб билади. Ҳар бир сонияни миллионлаб долларга чақадиган, вақтни пул, деб ҳисоблайдиган ота эндигина ҳарф таниган, ҳижжалаб ўқий бошлаган фарзандига Конституциядан ўзи сабоқ берди, унинг ҳуқуқ-эркинликлари қандай, қонун олдидаги мажбуриятлари нечоғли — барчасини тўла-тўкис ўргатади. Яъни Америкада Конституция фан сифатида ўқитилмайди, ҳаёт дарси сифатида ўрганилади.

Очиғи, Конституцияга ҳурмат бизда ҳали океанорти мамлакати даражасида шакллангани йўқ. Баъзан фуқароларимизда, ҳатто ёшларимиз орасида Конституцияга беписанд муносабат (демакки, ўзи ҳаётига, ўз келажагига беписандлик) учраб туради.

**"Эркин ва фаровон яшашни истаган ҳар бир халқ қонунга қул бўлиши керак"**, — дейди қадим дунё мутафаккирларидан бири. Давлатнинг Асосий Қонуни саналган Конституция ўз-ўзича миллатга бахт-саодат олиб келадиган, жамиятдаги турли иллатлар, жиноятларни йўқотиб юборадиган мўъжизавий кучга эга эмас. Уни мўъжизага айлантириш учун ҳар биримиз ҳаракат қилишимиз керак. Шу маънода Конституцияни ўқиш, ўзлаштириш ва, асосийси, унга риоя қилиш орқалигина улкан муваффақиятларга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш мумкин.

Янги етишиб келаётган авлод — биз, ёшлар Конституцияни ҳаётий дастуриламал сифатида ўрганишимиз шарт. Керак бўлса, Асосий Қонунни алифбони ёд олган каби ёдлашимиз лозим. Чунки Афлотун замонидан қолган ҳақиқат шу — қонун устуворлиги ва адолат тантанаси тараққиётнинг бош омилидир.

## ҲАМИША ПОРЛОҚ МАЁҚ



**Юсуф ҲАМДАМОВ, Ўзбекистон Миллий университетининг доценти**

Чексиз уммон бағрида кезиб юрган кема олис манзилларга одатда маёқларга таяниб етиб боради.

Таъбир жоиз бўлса, Конституциямизни ҳам ҳамиша нур таратиб турган маёққа қиёслаш мумкин. Чунки Бош Қомусимиз ҳам бугун ва эртанги тараққиёт йўлимизни бамисли маёқ сингари ёритиб турибди.

Ўзим бевосита шу соҳага дахлдор бўлганлигим боис, Конституциямизнинг 41-моддасидан иқтибос келтириб ўтсам. Унда **"Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга"**, деб белгилаб қўйилган.

Энди мамлакатимиз ёшларининг билим олиши учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, тан олиб айтиш керакки, бу борада ўтган 13 йил давомида жуда катта ишлар амалга оширилди. Келажагимиз бўлган ёшларнинг билим олишига шахсан давлатимиз раҳбари раҳнамолик қилмоқда. Президентимизнинг ташаббуслари билан **"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Таълим тўғрисида"**ги қонун ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз ёшларининг орзу-истак, мақсад-муддаоларига эмин-эркин эришишлари учун катта йўл очиб берди.

Бугунги ёшларни кўриб, ҳавасингиз келади. Улар замонавий компьютерлар билан «тиллашиб», бир неча хорижий тилларда бемалол мулоқот қила оладилар. Оддий ўзбек деҳқонининг ўғли хориждаги нуфузли университетда таҳсил олаяпти.

Ҳали-ҳануз эсимизда, мустабидлик даврида бирор-бир қўшни давлатга сафарга чиқмоқчи бўлсангиз, фақат собиқ СССРнинг пойтахти орқали ўтилар, шунда ҳам махсус хизмат вакиллари минг битта чиғириқдан ўтказар эди.

Бугунги кунда юртимиз ўғлонлари эркин қанот қоқиб, дунё бўйлаб парвоз қилмоқда.

Муҳаммадқодир, Руслан, Нурхон, Артуру Абдулла, Ирода, Миржалолларни бугун бутун дунё билади.

Ўзбекнинг навқирон ўғлони Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат усталарининг тождори бўлиб, миллатимиз шаънини дунёга таратди. Булар ҳам жондан азиз мустақиллигимизнинг шарофати ва Конституциямизда белгилаб берилган ҳақ-ҳуқуқларимизнинг инъикоси эмасми?!

Давр ўтаверади. Янги Конституциямиз қисқа вақт ичида ҳақ-ҳуқуқимизни шунчалик тиклаб, эзгу ниятларимизни амалга оширишга йўл очиб, маёқ каби йўл кўрсатиб турибдими, бундан кейин ҳам халқимиз, миллатимизнинг равнақи, келажаги учун камарбаста бўлиб хизмат қилаверади.

## ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИК КАФОЛАТИ



**Гулбаҳор МАҚСУДОВА, Тошкент юридик коллежи кафедра мудири**

Менинг назаримда, мустақил давлатимиз Конституциясининг энг муҳим жиҳатларидан бири унда жамики дунёвий неъматлар ичида энг улуғи — Инсон деган ғоя илгари сурилгани билан изоҳланади. Шу асосда "**фуқаро — жамият — давлат**" ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона ечими топилган. Хусусан, бош қомусимизнинг 2-моддасида: "**Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар**" дея қайд этилиши ҳам бу фикрни тўлиқ исботлайди.

Шунингдек, демократик жамиятда инсон омили олий қадрият ҳисобланар экан, мамлакатимизда ҳам одамларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжини тўлароқ қондириш борасида кўпдан-кўп ишлар амалга оширилаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Шу маънода конституциямизнинг VII, VIII, IX бобларида ҳар бир фуқаро ҳаётининг негизларига тааллуқли бўлган тенг ҳуқуқлар баён қилинган. Чунончи, шахсий ҳуқуқлар яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг иши судда қонуний кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча унинг айбдор ҳисобланмаслиги, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги;

Сиёсий ҳуқуқлар — жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, қонунларга мувофиқ митинглар, намойишларда иштирок этиш, касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи;

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар — мулкдор бўлиш, банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши, мерос ҳуқуқи, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, дам олиш, билим олиш, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқлари шулар жумласидандир.

# ҚАРОР ТОПГАН ИШОНЧ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Миллати, ирқи ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсон ўзиники деб билиши лозим бўлган бу ҳуқуқлар мажмуини инсоният тараққиётининг пойдевори, дунё аҳлининг виждони, жамиятлар ва ҳукуматлар танлаган йўлларнинг нақадар тўғрилигини белгилаб берадиган мезон, деб аташади.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқларига доир асосий ҳужжатларини эътироф этди. Ва шу тарзда биз жаҳон ҳамжамиятига қўшилдик, демак, БМТ тамойилларида баён этилган инсоннинг асосий ҳуқуқларига риоя этиш мажбуриятини зиммамизга олдик.

Тарих синовларидан ўтган умумбашарий демократик қадриятларни ўзида мужассам этган Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси БМТ ҳужжатларига, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига мослигига қуйидаги эътироф бир далил, дейиш мумкин. Гарвард университети профессори Д.Карлайл: **"Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари ичида биринчи бўлиб, ҳатто Болтиқбўйи давлатларидан илгари Конституция қабул қилди. Қоидаларнинг аниқ ва мукаммаллиги, ўзига хос тузилиши билан алоҳида ажралиб турадиган ушбу Конституция ўзбек жамияти ва соҳаларини тартибга солади. У дунёдаги энг мақбул тузилишга эга конституцияларнинг биридир".**

Албатта, "конституция" атамаси ғарбда пайдо бўлгани, атама сифатида, замонлар ўтиши билан такомиллашиб, XVIII аср охирида бугунги мазмун-моҳиятини касб этгани тарихдан маълум.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида Бош Қомусимизни қабул қилишда ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянилгани ҳам алоҳида таъкидланган. Кўп мингйиллик миллий давлатчилигимиз анъаналарини ўзида мужассам этган Конституциямизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлатдан устунлиги эътироф этилган, инсон қадр-қиммати олий қадрият сифатида талқин қилинган. Айни шу жиҳатлари билан ҳам бу мўътабар ҳужжат асрлар оша келаётган халқимиз орзу-умидлари, бой маънавий меросимиз билан узвий боғланиб кетади. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ёзади:

***Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳат —***
***Нодиру олий асоси коинот,***
***Барчадин ашрафки ул инсон эрур,***
***Ким камолида хирад ҳайрон эрур.***

Мазкур сатрларда Навоий жамики нарса ва ҳодисалар ичида энг мукаммали Инсондир, дейди. Инсонни улуғлаш билан бирга,



**Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.**

**Ўзбекистон Конституцияси, 40-модда.**

**Faxr**

шоир барча одамлар: мансабу мавқеидан қатъи назар, моҳият-эътибори билан тенгдир, дейди. Инсонни ижтимоий, миллий, диний ҳамда ирқий жиҳатдан камситишни Навоий қоралайди. "Ҳақ зоти мавжи" бўлмиш инсонни ижтимоий аҳволига қараб чеклаш нотўғри, дейди.

***Барчасин ҳақ зоти мавжи баҳри бил,***
***Ҳам вужудин мавж янглиғ онглағил.***

"Конституция" атамаси расман маъно-мазмун касб этишидан бир неча юз йил олдин Инсонни таърифлаган ва барча одамларнинг тенг эканлигини баралла айтган улуғ бобомиз Навоий ижодининг умуман, бой маданий меросимизнинг Бош Қомусимизга сингдирилган, унда ўзининг аниқ-тиниқ ифодасини топган жиҳатлари кўп.

Улуғ шоир руҳан бардам, маънавий жиҳатдан пок, ҳаётсевар, ўз тақдирининг соҳиби бўлган бунёдкор Инсонни орзу қилган. Шундай инсон унинг эстетик идеали бўлган. Ва, не ажабки, баркамоллик Инсоннинг ўз имконида, қачонки киши ўзлигини билиб олса ва унинг фаолияти ўз билганлари асосида кечса, у камолотга эришмоғини ҳам уқтирган. Навоийнинг:

***Ўз вужудингға тафаккур айлагил,***
***Ҳар не истарсен ўзингдин истагил*** —

деган даъвати барча замонлар ва барча инсонлар учун айтилган ҳикмат, йўл-йўриқдир.

Айни кунларда тенгсиз маданий бойлигимиздан баҳра олиб, умуминсоний қадриятларга уйғун яралган Бош Қомусимиз қабул қилинганининг ўн икки йиллигини нишонлаётирмиз. Мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи Конституцияси адолатли, бахтли, фаровон жамият қуришимизда мустаҳкам пойдевордир. Буюк алломалар шарафлаган ҳазрати Инсоннинг ўз эрки, ҳаққига ўзи соҳиб бўлишини ҳуқуқий кафолатланган бу мўътабар ҳужжат ҳар биримизга саодатли умрни таъмин этмоғи учун ҳар ким бунинг масъулияти, мажбуриятини теран ҳис қилмоғи — "ўз вужудиға тафаккур айламоғи" долзарб бўлиб қолаверади. Зотан, эзгуликка бўлган ишонч ҳеч қачон сўнмаганидек, қарор топган ишонч ҳам ҳеч қачон нурамайди.

**Аҳмад ОТАБОЙ**

## МУЛКДОРЛИК САОДАТИ

Бугун ҳаётимизда нишонланадиган ҳар бир байрам, қутлуғ сананинг ўзига хос тарихи, ўзига хос хусусияти бор. Поёнига етиб бораётган йилда мустақиллигимизнинг ўн уч йиллигини нишонладик. Эртага эса бош Қомусимиз бўлмиш Конституциянинг қабул қилинганлигига ўн икки йил тўлади.

Умуман айтганда, мустақиллигимизнинг ўн уч йиллиги халқимиз учун муҳим воқеа-ҳодисаларга бой кечди.

Энди ҳар биримизнинг тақдиримизга бевосита дахлдор Конституциямиз ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Ўз ҳаётимдан олиб айтадиган бўлсам, бош Қомусимиз шахсан менга озодлик, эркин ҳаёт ва эркин меҳнат қилиш ҳуқуқини берди. Яна шуни айтишим керакки, мен мулкдор бўлдим.

"Наргиз-ШАШ" масъулияти чекланган хусусий жамият корхонасидан йигирма нафардан ортиқ киши меҳнат қилади.

Айни кунларда жамиятимиз тасарруфида "Наргиз" қаҳвахонаси, "Шафтолизор" ошхонаси, "Нилуфар" чойхонаси, вилоят Мудофаа бошқармаси ходимларига хизмат кўрсатувчи ошхона, музқаймоқ шаҳобчаси фаолият юритиб турибди.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, шўро замонида оддий одам шундай имкониятга эга бўлиши мумкин эдими? Асло! Ҳозирги биз эришган нарсалар кишининг ўнги тугул, ҳатто тушига ҳам кирмасди. Яратганга шукр, Конституциямизда белгилаб қўйилган қонунларга кўра, биз ана шундай хусусий мулк эгаси бўлиб турибмиз.

Хулоса ўрнида шуни айтишим керакки, мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан илгарилаб бормоқда. Энг асосийси, Конституциямизда белгиланган ҳақ-ҳуқуқларимиз ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда.

Айтмоқчиманки, Конституциямиз бугунги кунда барча ҳақ-ҳуқуқларимизни кафолатлаб қолмай, келажакка нисбатан қатъий ишонч уйғотади.

**Шухратали ШАРИПОВ, "Наргиз-ШАШ" масъулияти чекланган жамият раиси**

*Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши божхона тизимининг энг муҳим йўналишларини белгилаб берди. Божхона сиёсатининг асосий мақсадлари мамлакатимиз ҳудудида самарали божхона назорати ҳамда товар айирбошлашни тартибга солишни таъминлаш, иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантириш ва ички бозорни ҳимоя қилишдан иборат.*

Jinoyatga jazo muqarrar

# 146-РАЗЪЕЗДДАГИ ТЎХТАШ

## унинг сабаби нимада эди?



Мазкур сиёсатни амалга ошириш мақсадида кейинги йилларда ҳукуматимизнинг бир қанча қарорлари қабул қилинди.

**“Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида”, “Республикага истеъмол товарларининг ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарорлар ички бозорда хориждан келтирилган товарлар билан савдо қилишни тартибга солди. Улардан ундириладиган бож тўловларини анча соддалаштирди.

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётини мустаҳкамлаш асосларидан энг муҳими — ички бозоримизни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бойитишдир. Афсуски, баъзи фуқароларимиз бу масаланинг моҳиятини англамай, бунга бефарқ муносабатда бўлишмоқда.

2003 йил 4 ноябр куни жиноят ишлари бўйича Коғон шаҳар суди томонидан Жиноят кодексининг 188-моддаси 2-қисми “б” банди билан судланган Бухоро шаҳрида туғилган Фарҳод Ҳайитов қилмишидан тўғри хулоса чиқармади. У иқтисодиёт асосларига қарши қасддан такрор жиноят содир этди.

Чунончи, Фарҳод Ҳайитов Навоий вилояти, Тинчлик темир йўл бекатидан “Душанбе-Астрахань” йўналиши бўйича қатновчи йўловчи поезди билан Россия Федерациясининг Астрахань шаҳрига келади. Харидоргир товарларни излаб, бозор айланади. Кўз олдида Бухоро шаҳридаги «Дилкушо» бозорини келтиради. “Сливочный-Воронежский” маргаринининг Бухорода бозори чаққонлигига ишонч ҳосил қилгач, нотаниш шахс билан савдолашади. Ф.Ҳайитов 262 қути, яъни 12.576 дона маргаринни сотиб олиб, Астрахань шаҳридаги темир йўл бекатига олиб келади.

— “Астрахань-Душанбе” йўналиши бўйича қатновчи йўловчи поездига уланган юк вагонининг кузатувчиси билан маргаринни Бухорогача олиб бориш ҳақида “келишдим”. Кузатувчи мен берган пулни олгач, поезд бригадиридан ҳар эҳтимолга қарши квитанция ёздириб берди, – деди дастлабки терговва суд тергови пайтида Ф.Ҳайитов. — Мақсадим маргаринни сотиб, фойда кўриш эди. Бироқ менда савдо қилиш ҳуқуқи йўқ эди...

Поезд 16 феврал куни “Бухоро-1” шоҳ бекати ҳудудидан ўтиб, Қоровулбозор тумани яқинидаги 146-разъездга келиб тўхтади. Қарши темир йўл узелига қарашли 146-разъезд бошлиғи Толмас Шоназаров уни “рози” қилмоқчи бўлган нотаниш аёл илтимосига биноан разъезддан чиқиб кетиш сигналини, яъни қизил чироқни очмади. Поезд тўхтагач, унинг охирги вагонларидан нотаниш одамлар юк тушира бошлашди.

Айни шу куни Бухоро транспорт прокуратураси темир йўл ички ишлар бўлими тезкор вакиллари билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 май кунидаги **“Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида”**ги 154-сонли қарори ижроси юзасидан 146-разъездда тадбир ўтказишаётган эди. Шубҳасиз, уларни мазкур разъездда тўхташи мумкин бўлмаган йўловчи поезднинг 4-5 дақиқа “нафас ростлаб ўтгани” қизиқтириб қўйди.

Фарҳод Ҳайитов юкларни тушираётган пайтида тадбир иштирокчиларига рўбарў келди. Уларнинг қонун доирасида берган саволларига жавоб бериш ўрнига, у тумтарақай қоча бошлади. Чунки у мамлакатимиз ҳудудига ҳеч қандай ҳужжатсиз ва божхона назоратини четлаб, товарлар олиб келиш ноқонуний эканлигини яхши биларди.

Ф.Ҳайитовга унинг шахси, оилавий шароити, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, оилада ёлғиз боқувчи эканлиги ва қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, айбига иқрорлигини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди. Маргарин озиқ-овқат маҳсулотининг сотувдан тушган пули давлат фойдасига ўтказилди.

Мустақиллик йилларида фуқароларимиз учун жаҳоннинг исталган бурчагига бориш, эркин тижорат фаолияти билан шуғулланиш мақсадида қонуний асослар яратиб берилди. Бу эзгу ниятларни амалга ошириш учун фуқароларимиз меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, божхона қонун-қоидалари моҳиятини яхши билишлари керак. Оддий ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Божхона хизмати мамлакат ҳудудига товарлар олиб кириш ва ҳудудимиздан товарлар олиб чиқиш борасидаги сиёсатни амалга оширадиган энг муҳим ваколатли давлат идораси ҳисобланади. Миллий божхона хизмати тобора шаклланиб борар экан, иқтисодий манфаатларимизни ишончли ҳимоя қилиш биринчи галдаги вазифа бўлиб қолаверади.

**Валижон ЮСУПОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Nadomat

# ФОЖИА КЕЛТИРГАН ХАТОЛИК

*Нафс балосига дучор бўлган кимса тубанликка юз тутади. Тубанлик эса оғир фожиаларни келтириб чиқариши тайин. Қуйида ана шундай қабиҳлик тафсилоти баён этилган.*

СУД ОЧЕРКИ

### АЛИШЕРНИНГ ХАТОСИ

Алишер ота-онасидан эрта етим қолиб, холасининг қўлида ўсди. Шу боис у ёшлигидан топармон-тутармонликка одатланди. Россия туманларида яшовчи қариндошлари ёрдамида тижорат ишларини ҳам йўлга қўйиб олди. Тез орада қариндошлари уни муқим яшашга таклиф этишди. Қариндошлар унга сердаромад иш топиб қўйишганини, фақат ҳужжатлари бекаму-кўст бўлиши лозимлигини айтишди. Алишер ҳарбий хизматга бормаган эди. Шунинг учун унинг ҳарбий гувоҳномаси йўқ эди. Гувоҳнома бўлмаса, ишга жойлашиш қийин. Нима қилишини билмай боши қотган Алишер “сохта гувоҳнома тайёрлатсам-чи, чет элда уни биров текшириб ўтирмас” деган қарорга келди. Бу ҳақда холаси Надежда Петровнага маслаҳат солган эди, у ҳам “ўзинг биласан” деб қўя қолди.

Алишер сохта гувоҳнома тайёрлатиш жиноят эканини, агар қилмиши ошкор бўлиб қолса, суднинг қора курсисига ўтириши мумкинлигини яхши тушунса-да, битта гувоҳнома учун мўмайгина маош олиб ишлайдиган иш ўрнидан ажралиб қолиш унга қаттиқ алам қилаётган эди. Худди мана шу таваккалчилиги унинг катта хатоси бўлди.

Обид айни пулга муҳтож пайтида Алишерга дуч келиб қолди. У энди Алишердан қарзга пул олмоқчи бўлганда Алишернинг ўзи дардини ёрди.

Обид Алишернинг гапини тинглар экан, қўлига мўмай пул тушишини англаб етди. Шу боис у аллақачон қарз сўраш фикридан қайтган, Алишернинг ишини битирса, қўлига қанча пул тушишини ҳисоб-китоб қилаётган эди: “Йигирма мингга гувоҳномани сотиб оламан, нари борса ўн мингга муҳр урдираман, — ҳаммаси бўлиб ўттиз минг бўлади, ўзимга эса шу кунларда эллик минг сув билан ҳаводай зарур...»

- Гувоҳнома олиш осон иш эмас. Бунинг жавобгарлиги катта, оғайни...

- Буни ўзим ҳам яхши биламан. Сен фақат хизмат ҳақини айтсанг, бас...

- Саксон минг сўм бўлади.

Саксон минг сўм ўша пайтда салкам икки минг АҚШ долларига тенг пул эди. Шунинг учун Алишер аввалига кўнмади. Лекин самолётга билет олиб қўйгани боис охири рози бўлди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Обид Алишернинг олдига келиб, пулни беришни талаб қилди.

Алишер ваъдага биноан саксон минг сўмни Обиднинг қўлига санаб берди ва шундай деди: — Жўнаб кетишимга уч кун қолди. Кетгунимча гувоҳномани олиб келиб берасиз.

— Хўп, уч кунда тайёр қиламан, — деб ваъда берди Обид.

Аммо Обид гувоҳномани айтилган пайтда олиб келишга улгурмади. У бир жойдан ҳарбий гувоҳномани сотиб олиб, уни ўз қўли билан тўлдирди-да, бошқа бир идорадан сохта муҳр урдирди. У тайёр гувоҳномани кўтариб, Алишер яшайдиган уйга келганда у аллақачон жўнаб кетган эди. Обид гувоҳномани Алишернинг холаси Надежда Петровнаникига ташлаб қайтди.

Энди гапнинг буёғини эшитинг. Алишер Россияга боргандан сўнг ҳужжатларини расмийлаштириш учун тегишли идораларга учраганда ўзига ҳарбий гувоҳноманинг мутлақо кераги йўқлигидан воқиф бўлди.

“Мол аччиғи — жон аччиғи” деб бекорга айтишмаган. Сохта ҳужжат оламан, деб катта миқдордаги пулни ҳавога совургани Алишерга роса алам қилди. Шу боис у холасига хат ёзиб, гувоҳномани Обидга қайтариб беришни ва ундан саксон минг сўмни олиб қўйишни сўради.

### II. НАДЕЖДА ХОЛАНИНГ ХАТОСИ

Алишер Надежда Петровнанинг ҳаётдан эрта кўз юмиб кетган жигаридан ягона ёдгор бўлгани, ёшлигидан тарбиялаб вояга етказгани учун уни ўз боласидан ҳам яхши кўрарди. Кейинчалик ҳам унинг оёққа туриб олиши учун ёрдамини аямади. Надежда Петровна Алишернинг хатини қайта-қайта ўқиди ва саксон минг сўм пулни Обиддан қандай қилиб қайтариб олиш тўғрисида бош қотира бошлади. Надежда Петровна агар ёрдам сўраб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилса, қинғир иш фош этилади, бундан Алишер ҳам зиён кўради, деб ўйлади.

Обиднинг ишхонасига бориб, шахсан учрашишга ва “гувоҳноманинг бизга кераги йўқ, уни қайтариб ол-да, пулимизни бер деб айтишга, агар йўқ дейдиган бўлса, гувоҳномани тегишли жойга топшираман”, деб қўрқитишга қарор қилди.

Надежда Петровна Обидни ишхонасидан топди ва унга Алишернинг хатини кўрсатиб, пулни қайтариб беришни сўради, Бу гапни эшитиб, Обид тутоқиб кетди:

— Мен Алишернинг илтимосини бажардим. Демак, у билан орамиз очиқ. Шу боис бунақа бемаъни даъво билан олдимга иккинчи марта келманг. Гап тамом-вассалом...

Надежда Петровна Обиднинг жаҳли чиқишини олдиндан билгани учун унинг дағдағаларини пинагини бузмай эшитди. У гапини тугатганидан сўнг:

— Бу ёғини ўзинг биласан, истасанг пулни бермай қўя қол, лекин мен ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза ёзиб қўйдим, аризага гувоҳномани қўшиб топширмоқчиман, — деди ва кетиш учун орқасига бурилди.

Бу гапдан Обид кутилмаганда юзига тарсаки туширгандай гангиб турган жойида қотиб туриб қолди.

Қалбаки гувоҳномани Надежда Петровнага бериб келгандан сўнг иш битди, деб хурсанд бўлиб пулни дадил-дадил сарфлаб юрган Обиднинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Агар ҳақиқатдан ҳам, ариза билан гувоҳномани у айтган жойига топширса, ишнинг пачаваси чиқади. Жиноят иши қўзғатилиб сўроқ-савол бошланади. Гувоҳноманинг бланкасини қаердан олдинг? Кимдан олдинг? Гувоҳномани кимга бердинг? Бу саволларнинг ҳар бири ўз навбатида яна ўнлаб саволларни келтириб чиқарадики, улардан қочиб қутулишнинг сираям иложи йўқ: ерга кирсанг қулоғингдан, осмонга чиқсанг оёғингдан тортади. Бир томондан, пулни талаб қилиб Надежда Петровна турибди, иккинчи томондан, ашёвий далил бўлиб гувоҳнома турибди, бланкани сотганлар, унга муҳр уриб берганлар бор. Улар ҳам тониб кета олмайдилар. Шуларни ўйлаб Обиднинг юраги қон бўлиб кетди. Ўзини боши берк кўчага кириб қолгандай ночор, ожиз ҳис қилди.

Ўзи тушиб қолган вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир тўғри йўли Надежда Петровнани ариза бериш ниятидан қайтариш эканлигини тушунган Обид унинг орқасидан югурди.

— Надежда Петровна, бўпти, пулни қайтараман, фақат бир ҳафта муддат беринг, хўпми?

Надежда Петровна режам амалга ошмади, энди пулни ололмайман, шекилли деб хуноб бўлиб кетаётган эди. Обиднинг ҳаллослаганича югуриб келганлигидан суюниб кетган бўлса-да, сир бой бермади.

— Бир ҳафта кўп, уч кундан кейин келаман, пулни тайёрлаб қўй, — деди.

Обид ўзини шу ишга бошлаган Алишерни ҳам, уч-тўрт сўм пул ишлаб оламан, деб гувоҳнома тайёрлаб беришга рози бўлганлиги учун ўзини ҳам сўкар, Надежда Петровна биринчи кун келган пайтда ўзини ўзи ерга уриб юборганлигини, қаёқдаги бир аёлнинг олдида тили қисиқ бўлиб, иззат-нафси ҳақоратлангандай ҳис қиларди. Айни вақтда яна унга рўпара бўлишдан юраги безиллар эди. Шу тариқа орадан икки кун ўтди. Учинчи куни тушдан кейин Надежда Петровна яна унинг ишхонасига келди.

— Пулга келдим. Тайёрлаб қўйгандирсан-а? — деди Надежда Петровна ва қўлидаги қора сумкасини “қирс” эттиб очди-да, ҳалиги сохта гувоҳномани олди, — мана олиб келдим...

***(Давоми кейинги сонда)***

**Шоҳруҳ АКБАРОВ**

E`lon

# ЯНГИ НАШР

**Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш Маркази томонидан Жиноят кодексининг ўзгартиш ва қўшимчалар билан тўлдирилган янги китоби нашр этилди. У накд ва пул ўтказиш йўли билан Марказ томонидан сотувга чиқарилган. Бундан ташқари, Марказда Фуқаролик кодекси ҳамда тадбиркорликка оид қонунчилик тўпламлари (1-4 томлар) сотилмоқда. Ушбу нашрни сотиб олишни истаганлар Марказ маъмуриятига ёки 133-73-28, 136-17-33, 136-73-98 телефон рақамларига мурожаат этишлари мумкин.**



*Қиш фусуни*

Mitti maslahat

# БЕЗОРИЛИКНИНГ ЖАЗОСИ

Эътибор берадиган бўлсак, кўча-кўйлар, жамоат жойлар, тўйлар ва тантанали маросимларда баъзан уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш каби жамоат тартиби ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи ҳолатлар учраб туради. Албатта, бундай майда безорилик аломатларини содир қилган шахслар жазосиз қолмаслиги аён. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 183-моддасига кўра, бундай ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни энг кам иш ҳақининг 3 баробаридан 5 баробаригача миқдорда жаримага тортиш ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш мумкин.

Агар безорилик, яъни жамоат тартибини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил зиён етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир қилинса, бу Жиноят Кодексининг 277-моддаси 1-қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради ва энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ билан жазоланишга сабаб бўлади.

Безориликнинг тури кўп. Шунингдек, унга нисбатан жазо чоралари ҳам ошиб бораверади...

Агар безорилик, а) баданга ўртача оғир шикаст етказиб; б) бир гуруҳ шахслар томонидан; в) совуқ қурол ёки кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд қўллаб; г) ўз мазмунига кўра, умум эътироф этган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан; д) ёш бола, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаб; е) кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкини нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб содир этилса, 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.

Мабодо безорилик: а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) ўқотар қуролни намойиш қилиб, уни қўллаш билан қўрқитиб ёки қўллаб; в) оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда; г) жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилса, 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Халқ осойишталигини бузиб, уларга нотинчлик етказгандан кўра, тинч-фаровон ҳаётимизнинг ҳар бир қадрли лаҳзасидан баҳраманд бўлиб, осойишта ҳаёт кечирган яхши эмасми?!

**Мухлиса ПАТТАЕВА**

Charxi kajraftor

# “ТАДБИРКОР КЕЛИН”

Бу дунёда одамлар бойлик, пул топиш учун ўзларини не куйларга солмайди, дейсиз? Яна шу томони қизиқки, устаси фаранг келин агар эпини қилса, ҳар қандай одамдан кўп пул топиши мумкин экан. Бунга Нью-Йоркли 40 ёшли Дезери Кортеснинг тутган йўлини мисол сифатида келтириш мумкин.

Хўш, бу аёл қандай йўл билан бойлик орттирган, деб сўрайсизми?

Гап шундаки, Дезери хоним кейинги ўн саккиз йил ичида 27 марта эркаклар билан никоҳдан ўтган. Албатта, агар ҳақиқатдан ҳам оила қураман, бола-чақа орттираман деб никоҳдан ўтганда, у билан бировнинг иши бўлмасди. Бироқ бу келин одамлар ўйлаганидан ҳам ақллироқ бўлиб чиқди. Яъни у Ҳиндистон, Перу, Покистон, Эквадор каби давлатлардан АҚШга иш излаб келган эркаклар билан никоҳдан ўтган. Албатта, текинга эмас, каттагина маблағ эвазига.

Бу сохта никоҳдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор бўлган. Яъни “тадбиркор келин” мўмай пулни қўлга киритган, у билан никоҳдан ўтган эркаклар Америкада ишлаш ҳуқуқига эга бўлишган.

Охир-оқибат бу сохта никоҳлар фош қилинди. Суд "тадбиркор келинни" 1,5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Бироқ “тадбиркор келин” бундан унчалик хафа эмас. Чунки бу жазо 27 марта никоҳдан ўтиб, топган даромади олдида ҳеч гап эмас.

## ЮРАКНИ БУЙРАККА АЛМАШТИРДИ...

Руминиялик маҳбус Дорел Видикан қамоқда ўтириб ғалати бир ишга қўл урди. Собиқ ўғри, жинояти учун уч йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган Дорел Видикан ўзининг буйрагининг биттасини касалхонада оғир аҳволда ётган бир аёлга тортиқ қилишга аҳд қилди. Буни қарангки, дийдаси қотган ўғрининг бундай олижаноблиги мамлакатда катта шов-шувга сабаб бўлди. Энг қизиғи шундаки, собиқ ўғри мамлакат телевидениесидаги “Кутилмаган тортиқ” телешоусининг асосий қаҳрамонига айланди.

Яна қизиқ томони шундаки, бу олижаноблик учун ўғрини муддатидан илгари қамоқдан озод қилишди.

Бундан ҳам ҳайратланарлиси собиқ ўғри озодликка чиққач, ўзи буйрагини берган ҳалиги аёл унга турмушга чиқишга рози эканини билдирди. Телевидение ходимлари ҳам бу воқеага бефарқ қараб ўтиришмади. Улар бу никоҳни тўғридан-тўғри экран орқали бутун мамлакатга намойиш этишди.

**Азизбек АШУРОВ тайёрлади.**

Taassuf

*Ҳаётда ҳар бир билиб-билмай хато қилиши мумкин. Афсуски, орамизда адашаётганини, қинғир йўлга қадам қўяётганини кўриб-билиб турса, пинагини бузмайдиган кишилар ҳам учраб туради.*

# НАФС ҚУРБОНЛАРИ

Умидхўжа Бобохўжаевни Ғиждувонда кўпчилик яхши танийди. “Ҳайдар-Субҳон” хусусий фирмаси раҳбари бўлган 29 ёшли бу навқирон йигит 2000 йилда улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланиш мақсадида хусусий фирма ташкил этди. Маълумки, юртимизда қонунчиликда тақиқланмаган фаолият олиб борса, тадбиркорнинг ошиғи олчи. Унинг қонуний фаолиятига тўсиқ бўлиш, аралашиш ман этилади. Афсуски, Умидхўжа буни яхши билса-да, унга амал қилмади. Аниқроқ айтганда, Умидхўжа давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлади. У давлатга тўланадиган солиқ миқдорини қасддан яшириб, камайтириб кўрсатишни одат қилди.

Натижада 2002 йил июл ойидан 2004 йил февралигача ялпи тушумдан ягона солиқ, улгуржи савдо фаолиятидан қўшимча қиймат солиғи, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ҳақиқий товар айланмасидан ажратма, йўл фондига ажратма бўйича эллик олти миллион бир юз бир минг тўққиз юз сўм давлатга тўланадиган солиқ маблағи яширилган. Бундан ташқари, Умидхўжа яна бир қинғирликка қўл урди. Ўтган йилнинг 28 сентябр куни Ғиждувон туман автомобил йўл хўжалик пудрат таъмирлаш, фойдаланиш корхонаси бош ҳисобчиси Эркин Бозоров фирма раҳбарини ҳузурига чорлади.

— Ука, 2003 йил ҳисоботи бўйича таққослаш-солиштириш ҳужжатларига асосан фирмангиз корхонамиздан йўл фонди ажратмасидан 4.785.000 сўм қарздор. Тезда тўлаш чораларини кўрмасангиз, иш чатоқ, — деди бош ҳисобчи Умидхўжага кўз ости билан назар солиб.

— Эркин ака, бирор йўли йўқми, Қарзни ҳозир тўлай олмайман. Яхшилик қилинг, қуруқ қўймаймиз...

— Унда эртага келинг-чи, ука. Ўйлаб кўриб, бир чорасини топармиз. Ҳал бўлмайдиган иш борми?..

Бош ҳисобчи эртаси куни корхона асфалт бетон цехи бошлиғи Қурбон Холовни хонасига чақирди ва унга “Ҳайдар-Субҳон” хусусий фирмаси раҳбари Умидхўжа Бобохўжаевдан 248-сонли ишонч қоғози ва ҳисоб варақа фактура билан 120 тонна битум олингани ҳақидаги ишонч қоғозига ими-жимида имзо қўйдирди.

— Бирор гап чиқмайдими, ука. Ҳар бир тоннасининг нархини 45.000 сўмдан ҳисобласак, бу катта миқдордаги пул бўлади-ку, — деди цех бошлиғи ҳисобчига ташвиш назари билан қараб.

— Юрак борми? Бунча қўрқоқсиз. Чумчуқ “пир” этса, юраги “шир” этадиган йигитларданмисиз, дейман. Мана, мен борманку?! Буёғи ўзимизнинг қўлимизда, — дея ялтоқланиб гапида давом этди ҳисобчи. — Энди гап бундоқ. Олинмаган 120 тонна битумни 1714 тонна асфалт тайёрланди, деб сохта ҳужжат тузасиз. Хуфёна ишимиздан ҳеч ким хабардор бўлмасин...

Шундан сўнг Қурбон Холов 1714 тонна асфалт ишлаб чиқариш учун корхона ишчилари Ш.Холов, С.Бобоқулов ва К.Ҳайитовларга иш ҳақи ёзди. Ҳар эҳтимолга қарши, ашёвий ҳисобот тузиб, корхона бошлиғи Шариф Бафоевга усталик билан имзо қўйдириб олди. Ушбу сохтагарчилик туфайли корхона 5.706.842 сўм зарар кўрди. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади, дейишади. Қинғирлик йўли билан текин даромад орттиришни ўйлаганларнинг қилмиши ҳам тез орада фош этилди. Улар тубанлик сари юз тутгани учун суднинг қора курсисига ўтиришди ва эл-юрт олдида юзшувут бўлишди.

**Шавкат ТИЛАВОВ,**
**ҳуқуқшунос**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Сайфиддин РАҲИМОВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Маҳмуд САТТОРОВ
Ислом ҲАМРО
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-117. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
2 3 4 5 6